

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

АЗАМАТОВ АЗИЗБЕК АЗАМАТ ЎҒЛИ

**ДИТЕРПЕНОИД, СТЕРОИД, ХИНОЛИЗИДИН АЛКАЛОИД ВА УЛАР
ҲОСИЛАЛАРИНИНГ НООТРОП ВА АЛКОГОЛГА ҚАРШИ
ФАРМАКОЛОГИК ФАОЛЛИГИ**

14.00.17 – Фармакология ва клиник фармакология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Азаматов Азизбек Азамат ўғли

Дитерпеноид, стероид, хинолизидин алкалоид ва улар ҳосилаларининг ноотроп ва алкохолга карши фармакологик фаоллиги3

Азаматов Азизбек Азамат угли

Фармакология ноотропной и антиалкогольной активности дитерпеноидных, стероидных, хинолизидиновых алкалоидов и их производных.....21

Azamatov Azizbek Azamat O'g'li

Pharmacology of nootropic and anti-alcoholic activity of diterpenoid, steroid, quinolizidine alkaloids and their derivatives41

Эълон килинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List published works46

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

АЗАМатов АЗИЗБЕК АЗАМАТ Ўғли

**ДИТЕРПЕНОИД, СТЕРОИД, ХИНОЛИЗИДИН АЛКАЛОИД ВА УЛАР
ҲОСИЛАЛАРИНИНГ НООТРОП ВА АЛКОГОЛГА ҚАРШИ
ФАРМАКОЛОГИК ФАОЛЛИГИ**

14.00.17 – Фармакология ва клиник фармакология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/B232 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация акад. С.Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Турсунходжаева Фируза Муратовна

биология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Тўлаганов Рустам Турсунович

биология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Якубова Лутфия Каримжоновна

тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг «28» декабрь 2020 йил соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38; факс: (+99871) 256-45-04; e-mail: pharmi@pharmi.uz).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (12 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38).

Диссертация автореферати 2020 йил «16» декабр куни тарқатилди.
(2020 йил «16» декабрдаги 12 рақамли реестр баённомаси).

К.С. Ризаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Ё.С. Кариева

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, фарм.ф.д., профессор

Б.Ш. Шоисломов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси т.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан келтирилган маълумотларга кўра дунёда 47,5 миллиондан ортиқ инсонларда бош мианинг нейродегенератив касалликлари аниқланган ва бу кўрсаткич йилига 7,7 миллионга ортиб бориб, 2050 йилда 3 баробар кўп бўлиши кутилмоқда. Бундан ташқари, дунё бўйича ҳар йили 3 миллиондан ортиқ беморларда спиртли ичликларни сурункали истеъмол қилиниши оқибатида ўлим ҳолатлари кузатилмоқда ва бу барча ўлим кўрсаткичларининг 5,3% ни ташкил этади. Шунинг учун маҳаллий ҳом ашёлардан ва синтетик моддалардан фойдаланган ҳолда гипоксияни, интоксикацияни, ўткир ва сурункали алкоголизмни даволаш учун қўлланиладиган янги дори воситаларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида бош мианинг нейродегенератив касалликларни комплекс даволаш ҳамда олдини олиш борасида турли хил табиий ва синтетик бирикмалардан фойдаланишга қаратилган тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада цитизиннинг янги N-бензилли ҳосилаларининг ноотроп, антигипоксик ва антитоксик; дитерпеноид, стероид алкалоидларининг сурункали алкоголизмга қарши фаоллиги ҳамда фармако-токсикологик хусусиятларини аниқлаш, ушбу дори воситаларнинг ассортиментини кенгайтириш катта аҳамият касб этади.

Республикамизда маҳаллий ҳом ашё ресурслари асосида юқори самарадор ва арзон препаратлар билан таъминлаш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишига мувофиқ «...фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, янги самарали ноотроп, антигипоксик, антитоксик ҳамда ўткир ва сурункали алкоголизмга қарши фаолликга эга дори-дармонларни ишлаб чиқиш долзарб илмий амалий масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4310-сонли, 2018 йил 14 февралдаги «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3532-сонли, 2016 йил 16 сентябрдаги «2016-2020 йилларда фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2595-сонли қарорлари ва 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

мазкур фаолиятига оид меъерий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маҳаллий ўсимлик хом-ашёлари асосида дитерпеноид, стероид ва цитизиннинг N-бензилли ҳосилаларини индивидуал бирикма ҳолида ажратиб олиш, уларнинг тузилиши ва кимёвий-биологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда янги препаратлар яратиш борасида ўзбек олимлардан С.Ю.Юнусов, А.С.Садиков, Х.Н.Шахидоятов, Х.Н.Арипов, Т.Т.Шакиров, И.В.Виноградова, М.Б.Султанов, Ф.С.Садритдинов, Н.Т.Туляганов, Ф.Н. Джахангиров, В.Н.Сыров, Ю.Р.Мирзаев, Ж.Режепов ва Ф.М.Турсунходжаеваларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга.

Дунё миқёсида цитизин ҳосилаларини организмнинг конгнитив бузилишларидаги таъсирларини аниқлаш, ўсимликлардан ажратиб олинган метаболитларни ва уларнинг биологик фаоллигини, шу жумладан психотроп ва алкогольга қарши фаоллигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар қуйидаги олимлар томонидан олиб борилган: А.П.Орехов, Г.А.Толстикова, А.Н.Шацкин, Г.П.Меншиков, Т.А.Воронина, В.Я.Аснетов, Р.А.Ахундов, Н.С.Макара, Ф.С.Зарудий, И.П.Цыпышева, А.Я.Герчинов, М.Н.Василиев E.K.Perry, M.W.Romanelli, F.Gualtieri, J.W.Daly, S.Wonnacott, Y.S.Mineus, O.Sonenzi, B.Ferqer, C.Spratt, P.Teismann, E.G.Porez, B.R.Cassels, C.Mendez-Calver ва б.

Мазкур диссертация ишида илк бор, дитерпеноид, стероид алкалоидларининг ўткир ва сурункали алкоголизмга қарши ҳамда цитизиннинг N-бензилли ҳосилаларининг ноотроп, антигипоксик ҳамда антитоксик фаоллиги бўйича биологик хусусиятларини ўрганиш ва улар асосида янги дори воситаларни амалиётга жорий қилиш юзасидан олиб борилган биринчи изланиш ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-ФЗ-Т147 «Истикболли доривор воситаларнинг потенциал манбаалари бўлган ўсимликлар алкалоидлари кимёси» (2007-2011), ИФА-2012-6-5 «Цитизин линияларини яратиш» (2012-2013), ФА-А11-Т189 «N-метилцитизин ва d-β-гидрастин препаратлари клиник олди фармакологик ва токсикологик синовлари ва технологияларини ўрганиш» (2012-2014) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади алкалоид N-метилцитизин ва цитизиннинг янги N-бензилли ҳосилаларини ноотроп, антигипоксик, антитоксик (ўткир

алкоголдан захарланишда) фаоллигини шунингдек, дитерпеноид ва стероид бирикмаларнинг сурункали алкоголизмга рухий ва жисмоний тоъбе бўлган каламушларда алкоголь қабул қилиш динамикасига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

цитизин алкалоидининг N-бензилли ҳосилалари орасидан юқори ноотроп ва антигипоксик фаолликка эга бўлган бирикмаларни аниқлаш;

турли даражадаги алкогольдан ўткир захарланганда антитоксик самарадорлигини аниқлаш;

дитерпеноид ва стероид бирикмаларнинг оқ каламушларда алкогольга тобе бўлиш фазасида алкоголь истеъмол қилиш динамикасига таъсирини баҳолаш;

дитерпеноид ва стероид бирикмаларнинг алкогольга қарши фаоллигини - алкогольга рухий ва жисмоний қарам бўлган сурункали алкоголик каламушларда ўрганиш;

ўрганилган дитерпеноид ва стероид бирикмалар орасидан алкоголизмга қарши фаолликка эга бўлган моддаларни аниқлаш ва сурункали алкоголик каламушларда турли босқичларда биргаликда ишлатилганда уларнинг самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида дитерпеноид (*Aconitum va Delphinium*), стероид (*Fritillaria Eduardi va Fritillaria Raddeanae*), хинолизидин (*Thermopsis alterniflora*) ҳосилалари, цитизиннинг N-бензилли ҳосилалари ҳамда тажриба ҳайвонлари: 180-220 г оқ каламушлар, 18-22 г оқ сичқонлар ва 2,5-3,2 кг вазндаги мушуклар танланган.

Тадқиқотнинг предмети ареколин ва никотин билан чақирилган тремор судоргига таъсирини ўрганиш, очик майдон усули, скополаминли амнезия, ўткир алкогольли захарланиш, нормабарик, цитотоксик ва гемик гипоксия, шартли ва шартсиз рефлекслар, шартли фаол қочиш рефлeksi, суст қочиш рефлeksi, алкоголь билан сурункали захарланиш каби моделларда тажрибалар олиб боришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда фармакологик, психофармакологик, физиологик, статистик ва токсикологик текширув усуллардан фойдаланилди. Илмий изланишлар биоэтика тамойилларига асосланган қоидаларга риоя қилинган ҳолда олиб борилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор цитизиннинг янги N-бензилли ҳосилалари соғлом ҳамда турли когнитив бузилишлар чақирилган тажриба ҳайвонларда ноотроп фаолликка эга эканлиги исботланган;

илк бор цитизиннинг янги N-бензилли ҳосилалари сурункали алкоголик каламушларда жисмоний ва рухий қарамликда, мия когнитив фаолиятининг бузилишларида самарадор эканлиги аниқланган;

бирикмалар скополамин-индукцияланган амнезия модели бўйича амнезияга қарши экспериментал ҳайвонларнинг когнитив фаолиятни яхшилаши аниқланган;

ноотроп ва антигипоксик фаоллиги бирикмалар орасидан N - бензилцитизин гидрохлорид солиштирма препарат пирацетам (Ноотропил) дан сезиларли даражада устун туриши исботланган;

бирикмаларнинг ноотроп фаоллигида холиномиметик таъсир асосий ўринни эгаллаши аниқланган;

N -метилцитизин алкалоиди ўрта, оғир ва ўта оғир даражадаги ўткир алкогольдан захарланишларда антитоксик таъсирга эга эканлиги исботланган;

алкалоидлар лаппаконитин ва α , β - хлоримпериалин бирикмаларининг 1:1 (2.5 мг/кг) нисбати, руҳий ва жисмоний тобе бўлган сурункали алкоголик каламушларда алкоголизмга қарши фаоллиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

янги N-бензилцитизин ҳосилалари орасида N-бензилцитизин гидрохлорид тажриба ҳайвонларда миянинг когнитив фаолиятини турли бузилишларида ва ақлий қобилиятни оширишда юқори самарадорлиги аниқланган;

N-бензилцитизин гидрохлорид ноотроп фаоллиги билан биргаликда антигипоксик таъсир кўрсатиши исботланган;

N-метилцитизин ўткир алкогольли захарланишларни бартараф этишда юқори алкогольга қарши фаоллик намоён қилиши исботланган;

дитерпен ва стероид алкалоидларининг сурункали алкоголизмга қарши самарадор хусусиятлари тажриба натижаларига кўра аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги даражаси замонавий фармакологик, психофармакологик, физиологик, токсикологик усуллар ҳамда лаборатория ҳайвонларидан етарли миқдорда экспериментал маълумотлар олинганлиги, олинган натижаларни статистик таҳлил қилинганлиги ҳамда патентлар олиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти турли моделларда биринчи марта цитизиннинг янги N-бензилли ҳосилалари ноотроп ва антигипоксик фаоллиги ноотропил препаратига нисбатан юқорилиги, N-метилцитизин ўткир алкогольли захарланишларнинг ўрта оғирликда, оғир ва ўта оғир формаларида солиштирма препаратлар – налоксон, аминостигмин, пикамилон, метадоксилдан устун келиши ҳамда пропротенга нисбатан лаппаконитин ва α , β -хлоримпериалин композицияси юқори фаоллиги сурункали алкоголизмнинг жисмоний ва руҳий қарамлигига қарши яққол намоён қилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти тажрибалар натижасида бир вақтнинг ўзида антигипоксик, антитоксик ва алкогольга қарши таъсирга эга бўлган ноотроп ва нейропротектив фаолликка эга бўлган янги препаратларни ишлаб чиқариш ва тиббиёт амалиётида қўллашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Дитерпеноид, стероид, хинолизидин алкалоид ва улар ҳосилаларининг ноотроп ва алкогольга қарши фармакологик фаоллиги бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Хроник алкоголизмга қарши фармацевтик композиция»га Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№ IAP 05700, 30.11.2018 й). Натижада алкоголизмга қарши фаолликка эга бўлган янги дори воситасини яратиш имконини берган;

«Наркотикларга қарши фаолликка эга восита»га Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патентига ижобий хулоса олинган (№ IAP 20180101, 20.10.2020 й). Натижада алкологолли интоксикацияда қўлланиладиган дори воситаларнинг ассортиментини кенгайтириш имконини берган;

N-метилцитизин препаратининг алкогол билан ўткир захарланганда ва ухлатувчи моддаларга қарши антинаркотик таъсирини намоён қилиши ҳамда N ва M-холинолитик хусусиятидан ФА-ФЗ-Т147 рақамли «Истикболли доривор воситаларнинг потенциал манбаалари бўлган ўсимликлар алкалоидлари кимёси» лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 15 июндаги №4/1255-1222-сон маълумотномаси). Натижада N-метилцитизин алкалоидининг клиник синовларга рухсат олиш учун меъёрий-техник ҳужжатларни тайёрлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари асосида 9 та конференцияда, шу жумладан 3 та халқаро ва 6 та миллий илмий-амалий конференцияларда маъруза ва муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, жумладан, 2 та маҳаллий ва 5 та хорижий журналларда чоп этилган, 1 та ихтирога Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патентига ижобий хулоса олинган ва 1 та ихтирога патент олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объектлари ва предметлари келтирилган, тадқиқотларни Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг истиқболли йўналишларига мослиги² кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

² Муаллиф ЎЗР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтининг етакчи илмий ходими, тиббиёт фанлари номзоди, Ж.Режеповнинг(1950-2020 йй.) диссертация ишини бажарилишида яқиндан кўрсатган ёрдами учун ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.

Диссертациянинг «**Ўрганилган бирикмаларнинг тузилиши ва уларнинг фармакологик фаоллигини ўрганиш усуллари**» деб номланган биринчи бобида цитизин ва унинг ҳосилаларини фармакологик хоссалари тўғрисида асосий маълумотлар келтирилган, ноотроп ва антиалкогол воситаларнинг умумий характеристикаси ва таснифланиши, уларни клиникада қўлланилиши, механизмлари ва қўшимча таъсирлари бўйича манбалар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотларда қўлланилган тажриба ҳайвонлари ва усуллари**» номли иккинчи бобида қўйилган вазифаларни таъминлайдиган тадқиқот объектлари ва методологик ёндашувлар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Тадқиқот ишида ЎзР ФА ЎМКИ алкалоидлар кимёси лабораторияси ходимлари томонидан ажратиб олинган алкалоидлар цитизин, N-метилцитизин ва цитизинни 12 N-бензилли ҳосилалари (Виноградова В.И., Рахимов Ш.Б. 2006); дитерпеноидли алкалоидлар (Салимов Б.Т.) ва стероидли бирикмалар (Шакиров Р.Ш., 2015) ўрганилди.

Потенциал ноотроп воситалар сифатида цитизин, N-метилцитизин ва 12 та янги цитизинни N-бензилли ҳосилаларини баҳолаш бўйича тажрибалар оқ эркак сичқонларда (18-22 г) ва эркак каламушларда олиб борилди, ўрганиладиган бирикмалар ҳайвонларга тери остига 0,1 дан 100 мг/кг дозаларда юборилди. Тажрибалар ноотроп восита – пирацетам билан солиштирган ҳолда (400 мг/кг) олиб борилди.

Марказий Н ва М – холинергик структураларга таъсири оқ сичқонларда ўрганилди. Фармакологик анализаторлар сифатида никотин ва ареколиндан фойдаланилди. Бирикмаларнинг самарадорлиги, никотин ва ареколинни тремороген-тутроқ таъсирига кўрсатган жавобига қараб баҳоланди.

Ноотроп фаоллик «очик майдон» шароитларида (Лапин И.П., Слепокуров М.В. 1991 й., Hall С. 1936 й.), ҳаракат-овқатланиш, ҳаракат-ҳимояланиш шартли рефлекслари, пассив қочиш шартли рефлeksi, фаол қочиш шартли рефлекслар бўйича баҳоланди. Тажрибалар интакт ҳайвонларда ва скополамин билан чақирилган амнезияли ҳайвонларда, алкоголга руҳий ва жисмоний қарам бўлган сурункали алкоголик каламушларда ўтказилди.

Цитизинни N-бензилли ҳосилаларини антигипоксик таъсирини баҳолаш бўйича тажрибалар оқ эркак-сичқонларда, гиперкапнияли нормобарик гипоксия моделларида олиб борилди, бунинг учун ҳайвонлар герметик ёпиладиган ва ҳажми 250 см³ бўлган банкаларга солинди; 300 мг/кг дозада натрий нитритни қорин бўшлиғига юбориш билан чақирилган гемик гипоксия; тери остига 20 мг/кг дозада натрий нитропруссид юбориш билан чақирилган цитотоксик гипоксия моделларида олиб борилди. Гипоксиянинг барча моделларида ўрганиладиган моддаларнинг антигипоксик таъсирини баҳолаш мезони сифатида тажриба синов ҳайвонларининг яшаш давомийлиги олинди (Биомедицинское (доклиническое) изучение антигипоксической активности лекарственных средств, Москва, 2017 г. под редакцией д.м.н., проф. Н.Н. Каркищенко).

N-метилцитизин алкалоидининг антитоксик таъсири ўрта, оғир ва ўта оғир даражадаги ўткир алкоғолли заҳарланиш моделида ўрганилди.

Тизимли артериал босим ва нафас олишга таъсири умумқабул қилинган усул бўйича мушукларда ўрганилди. Юрак ўтказувчанлик тизими наркоз (этаминал натрийни 50 мг/кг қ/бўш.) берилган каламушларда ўрганилди. ЭКГ иккинчи стандарт уланишда қайд этилди.

Дитерпеноид ва стероид алкалоидлари экспериментал алкоғолизмнинг турли босқичларига таъсири эркак каламушларда ўрганилди (Бурова В.В., Жукова В.Н., Кампов - Полевой А.В. – М., 1979. с. 1-112). Ўрганилаётган бирикмаларни алкоғолга мойилликни камайтириш, алкоғолга рухий ва жисмоний қарам бўлган сурункали алкоғолик каламушларда алкоғолни истеъмол қилишни камайтириш қобилятига бўлган таъсири ўрганилди.

Диссертациянинг «**Ўрганилган бирикмаларнинг ноотроп, антигипоксик таъсири ва ўткир заҳарлилиги**» деб номланган учинчи бобида турли моделларда ўрганилаётган бирикмаларнинг самарадорлигини скрининг-баҳолаш натижасида олинган маълумотлар келтирилган.

Маълумки, ноотропларни қўллаш синапсларда ацетилхолин миқдорини оширади ва холинорецепторларнинг зичлигини кучайтиради, натижада пре-ва постсинаптик ўтказувчанлик осонлашади, когнитив функциялар ва хотира яхшиланади.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, ўрганилаётган моддаларнинг никотин ва ареколин билан ўзаро таъсири ўрганилди. Назорат гуруҳидаги сичқонларга тери остига ареколин 10 мг/кг дозада юборилганда 25,0±2,3 дақиқа давом этган титроқ кузатилган. Ҳайвонлар орасида ўлим ҳолати кузатилмади.

Цитизин ҳосилалари ва ареколин биргаликда қўлланилганда юборилган дозага қараб, ареколинни титроққа таъсирини турли даражадаги кучайиши ва маълум бир қисмида ҳайвонларнинг ўлим ҳолатлари кузатилди.

1- жадвал.

Цитизиннинг N-бензилли ҳосилаларини ареколин ёрдамида чақирилган титроққа таъсири (n=10)

№	Модда	Доза мг/кг	Титроқни ўртача давомийлиги, мин.	Ўлди	Тирик қолди
1	Назорат ҳайвонлар Ареколин т/о	10	25,0±2,3	-	10
2	Прицетам +Ареколин 10 мг/кг т/о	400	20,0±1,8*	3	7
3	N-(3,4-Метилendioксибензил) цитизин гидрохлорид+ Ареколин 10 мг/кг т/о	0,1	25,0±2,6	-	10
		0,5	27,2±2,0	-	10
		1,0	20,0±1,6*	3	7
		5,0	26,0±2,4	3	7
4	N-(2-Бром-3-окси-4-метоксибензил) цитизин гидрохлорид + Ареколин 10 мг/кг т/о	0,1	28,2±2,0*	-	10
		0,5	21,5±1,8*	3	7
		1,0	19,5±1,3*	2	8
		5,0	21,2±1,9*	3	7
5	N-(3,4-Диметокси-6-бромбензил) цитизин гидрохлорид + Ареколин 10 мг/кг т/о	0,1	23,7±1,8	-	10
		0,5	22,4±2,0	1	9
		1,0	20,6±1,5*	3	7
		5,0	27,5±3,1	2	8
6	N-Бензилцитизин гидрохлорид + Ареколин 10 мг/кг т/о	0,1	20,2±1,8*	2	8
		0,5	21,6±2,0*	4	6
		1,0	27,5±1,8	5	5
		5,0	19,6±1,3*	7	3

изоҳ: *P=0,05 назорат гуруҳи ҳайвонларига нисбатан

Цитизинни ўрганилган ҳосилалари орасидан энг юқори М-холиномиметик фаолликни 0,1-5,0 мг/кг дозада юборилган N-бензилцитизин гидрохлорид намоён қилди. Қиёсий препарат бўлган пирацетам ҳам ареколинни тремороген таъсирини кучайтиргани ва 400,0 мг/кг дозада юборилганда синовдаги сичқонларнинг ўнтасидан 3 тасини ўлимига сабаб бўлгани кузатилди (1 жадвал).

Тажрибаларнинг иккинчи қисмида, никотинни (назорат) 10,0 мг/кг дозада тери остига юборилганда барча ҳайвонларда 0,5-1 минутдан кейин титроқ юзага келгани, тутқаноқ тутиб, $3,7 \pm 0,5$ минут ичида ўнта сичқондан 7 тасини ҳалок бўлгани кузатилди. Тажрибаларнинг шунга ўхшаш шароитларида солиштирма препарат бўлган пирацетам биргаликда қўлланилган вақтда никотин таъсирини кучайтиргани кузатилди, назорат гуруҳидаги барча ҳайвонлар ҳалок бўлди. Ўрганилган ҳосилалар ичида N-бензилцитизин гидрохлорид никотинни захарли таъсирига нисбатан потенцирловчи таъсир кўрсатади. Қолган бирикмалар никотинни тремороген-тутқаноқли таъсирига ҳеч қандай таъсир кўрсатмади (2 жадвал).

2-жадвал.

Ўрганилаётган моддаларни никотиннинг тремороген-тутқаноқли хоссасига таъсири (n=10)

№	Модда	доза мг/кг	титроқ ва тутқаноқ бошланиш вақти, мин.	титроқ ва тутқаноқ давомийлиги, мин.	яшовчанлик	
					ўлди	тирик қолди
1	Назорат гуруҳи (никотин т/о)	10	$0,34 \pm 0,07$	$3,7 \pm 0,5$	7	3
2	Пирацетам +никотин 10 мг/кг т/о	400	$0,46 \pm 0,05^*$	$5,5 \pm 0,6^*$	10	-
3	N-(3,4-Метилендиокси-бензил) цитизин гидрохлорид орқали + никотин 10 мг/кг т/о	0,1	$0,35 \pm 0,35$	$4,3 \pm 0,7^*$	7	3
		0,5	$0,4 \pm 0,06$	$3,4 \pm 0,8$	7	3
		1,0	$0,5 \pm 0,04^*$	$3,1 \pm 0,6$	8	2
		5,0	$0,36 \pm 0,03$	$4,0 \pm 0,3$	7	3
4	N-(2-Бром-3-окси-4-метоксибензил) цитизин гидрохлорид + никотин 10 мг/кг т/о	0,1	$0,34 \pm 0,08$	$4,2 \pm 0,5^*$	6	4
		0,5	$0,31 \pm 0,06$	$3,8 \pm 0,5$	8	2
		1,0	$0,45 \pm 0,05^*$	$3,5 \pm 0,3$	5	5
		5,0	$0,48 \pm 0,07^*$	$3,2 \pm 0,5$	7	3
5	N-(3,4-Диметокси-6-бромбензил) цитизин гидрохлорид + никотин 10 мг/кг т/о	0,1	$0,36 \pm 0,04$	$5,6 \pm 0,5^*$	6	4
		0,5	$0,42 \pm 0,03$	$5,8 \pm 0,6^*$	8	2
		1,0	$0,60 \pm 0,04^*$	$4,0 \pm 0,4$	7	3
		5,0	$0,58 \pm 0,06^*$	$5,2 \pm 0,5^*$	6	4
6	N-бензилцитизин гидрохлорид+ никотин 10 мг/кг т/о	0,1	$0,36 \pm 0,04$	$5,5 \pm 0,6^*$	10	-
		0,5	$0,57 \pm 0,05^*$	$4,2 \pm 0,5^*$	10	-
		1,0	$0,65 \pm 0,07^*$	$4,0 \pm 0,3$	10	-
		5,0	$0,62 \pm 0,08^*$	$4,2 \pm 0,4^*$	10	-

Изоҳ: *P=0,05 назорат гуруҳи ҳайвонларига нисбатан

Шундай қилиб, олиб борилган тажрибалардан, цитизиннинг ҳосилалари ичида N-бензилцитизин гидрохлорид юқори М- ва Н-холиномиметик фаолликни намоён қилган. N-(3,4-метиленди-оксибензил) цитизин гидрохлорид, N-(2-бром-3-окси-4-метоксибензил) цитизин гидрохлорид, N-(3,4-диметокси-6-бромбензил) цитизин гидрохлоридлар фақат М-холинмиметик фаолликни намоён қилган.

Шу муносабат билан, холинергик тизим ноотроп воситаларнинг таъсир кўрсатиш механизмида асосий ролни бажаришини ҳисобга олган ҳолда, аввал назорат ҳайвонларда «Очиқ майдон» усулида тажрибалар олиб борилди. Цитизиннинг 12 та N-бензилли ҳосилалари орасида энг юқори фаолликни N-(3,4-метиленди-оксибензил) цитизин гидрохлорид, N-(2-бром-3-окси-4-метоксибензил) цитизин гидрохлорид, N-(3,4-диметокси-6-бромбензил) цитизин гидрохлорид ва N-бензилцитизин гидрохлоридлар намоён қилгани аниқланди, ҳамда ҳайвонларда ҳаракат ва қидирув – ҳаракат фаолияти оширгани кузатилади. Танлаб олинган бирикмаларнинг барчаси «Очиқ майдон» усулида юқори самарадорликни намоён қилган, ҳайвонларда ҳаракат ва қидирув – ҳаракат фаоллигини кучайтирган.

Алкоголизмни даволашда бир неча гуруҳ препаратлар қўлланилади, улар қаторига ноотроп препаратлар билан даволаш ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Шунини ҳисобга олган ҳолда, сурункали алкоголик каламушларда саккиз ойлик алкоголизациядан кейин ўрганилаётган препаратлар таъсирини баҳолаш мақсадида цитизин ҳосилаларини «Очиқ майдон» усулида когнитив функцияларга таъсири ўрганилди. Цитизиннинг ўрганилган тўртта ҳосилалари ичида «Очиқ майдон» шароитида сурункали алкоголик каламушларда 0,5 ва 1,0 мг/кг дозаларда юборилган N-бензилцитизин гидрохлорид юқори психостимулловчи таъсир намоён қилган.

Кўрсатилган дозаларда юборилган препарат алкоголикларнинг 2-назоратдаги гуруҳига нисбатан қидирув – ҳаракат фаолияти 2,5 ва 2,6 мартага оширгани кузатилди, тешикларнинг сони бўйича изловчанлик фаоллиги 0,5 мг/кг дозада 3,1 мартага, 1,0 мг/кг дозада– 3,6 мартага оширгани кузатилди. Дозани 5,0 мг/кггача ошириш стимулловчи фаолликни пасайишига олиб келади. Қиёсий препарат бўлган пирацетам билан ўтказилган тажрибаларда 400 мг/кг дозада тери остига юборилганда алкоголик каламушларни ҳаракат ва қидирув – ҳаракат фаоллигини ва изловчанлик хулқини 2-назорат гуруҳидаги алкоголик-каламушларга нисбатан 1,9; 1,4 ва 1,8 мартага оширган. Тажрибаларнинг кейинги босқичи «Очиқ майдон» усулида моддаларнинг скополамин билан чақирилган амнезияга таъсири ўрганилди. 3 - жадвалдан кўриниб турибдики, скополамин билан чақирилган амнезия моделида ўрганилган цитизин ҳосилалари орасида энг юқори фаолликни N-бензилцитизин гидрохлорид намоён қилди. 0,5 ва 1,0 мг/кг дозада юборилган N-бензилцитизин гидрохлорид таъсирида қидирув ҳаракат фаолияти скополамин юборилган сичқонлар гуруҳига нисбатан 3,2 ва 3,0 мартага ортади ва назорат гуруҳи ҳайвонлари билан тенглашади. Фармакологик фаолликка эга бирикмаларнинг марказий нерв тизимида таъсир фаоллигини намоён қилиши, тажриба ҳайвонларининг шартли-рефлекс фаоллигининг ўзгариши билан изоҳланади.

Натижада цитизин ҳосилалари ичида ҳаракат-озикланиш шартли рефлекси моделида энг яхши таъсирни N-бензилцитизин гидрохлорид намоён қилган, у шартли рефлекс вақтини ва мураккаб лабиринтдан ўтиш вақтини қисқартиргани кузатилди. 1 мг/кг ва 5 мг/кг дозада юборилган N-

бензилцитизин гидрохлорид таъсирида шартли рефлекс ҳосил бўлиши 6-7 кунига келиб, назорат гуруҳи ҳайвонлари эса 10-12 кунига келиб, пайдо бўлган. Ҳайвонларнинг ўртача ҳаракат вақти назоратдаги 7,2 сонияга нисбатан 4 сонияга қисқарган.

3-жадвал.


Ўрганилаётган бирикмаларни «Очиқ майдон» усулида сичқонларда скополамин билан чақирилган амнезияга таъсири (n=10)

№	Модда	доза мг/кг	Горизонтал ҳолат		Вертикал ҳолат		Қидирув фаолияти	
			ҳар.актив.	%	сони	ҳар.актив.	%	сони
1.	Интакт гуруҳи физ. эр.	0,2	12,4±1,0	100	6,2±1,2	100	15,2±1,4	100
2.	Скополамин т/о (назорат гуруҳи)	1,0	11,2±0,8	-9,6	2,1±0,3	-66,1	5,1±0,4	-66,4
3.	Пирацетам+Скополамин	400,0	11,8±0,9	-4,8	4,2±0,3*	-32,2	9,7±0,9*	-36,1
4.	N-(3,4-Метилендиоксibenзил) цитизин гидрохлорид +Скополамин	0,1	10,5±1,5	-6,2	5,2±0,5*	147,6	10,8±1,1*	-28,9
		0,5	11,8±1,0	5,3	5,6±0,4*	166,6	10,6±0,9*	-30,2
		1,0	11,2±0,8	0	4,8±0,5*	128,5	9,5±0,6*	-37,5
		5,0	10,2±0,6	-8,9	4,2±0,6*	100	7,4±0,7*	-51,3
5.	N-(2-Бром-3-окси-4-метоксибензил) цитизин гидрохлорид +Скополамин	0,1	10,9±0,8	-2,6	5,7±0,4*	171,4	10,5±0,8*	-30,9
		0,5	12,4±1,2*	10,7	5,4±0,5*	157,1	9,8±0,7*	-35,5
		1,0	13,2±0,8*	17,8	6,0±0,7*	185,7	10,2±0,8*	-32,8
		5,0	12,2±1,0*	8,9	5,9±0,5*	180,9	8,5±0,6*	-44,0
6.	N-(3,4-Диметокси-6-бромбензил) цитизин гидрохлорид +Скополамин	0,1	11,6±0,8	3,5	4,8±0,5*	128,5	10,0±1,0*	-34,2
		0,5	10,8±0,6	-3,5	4,5±0,4*	114,2	9,5±0,8*	-37,5
		1,0	12,3±0,9*	9,8	4,2±0,5*	100	8,8±0,6*	-42,1
		5,0	12,4±0,6*	10,4	4,9±0,4*	133,3	7,5±0,8*	-50,6
7.	N-Бензилцитизин гидрохлорид +Скополамин	0,1	11,8±1,2	5,3	4,9±0,5*	133,3	9,5±1,0*	-37,5
		0,5	12,0±1,0*	7,1	6,9±0,4*	228,5	13,2±1,1*	-13,1
		1,0	10,6±0,8	-5,3	6,4±0,6*	204,7	14,0±0,8*	-7,8
		5,0	11,2±1,0	0	4,8±0,5*	128,5	9,8±1,0*	-35,5

Изоҳ: *P=0,05 назорат гуруҳи ҳайвонларига нисбатан

1-5 мг/кг дозада N-метилцитизин бромгидрат препарати тери остига юборилганда тескари эффект намоён қилган, шартли рефлекс пайдо бўлиш вақти ва лабиринтда югуриш вақти узайган. Қолган моддалар ҳаракат-озикланиш рефлексини пайдо бўлишига деярли таъсир кўрсатмаган.

Худди шунга ўхшаш натижалар ҳаракат-ҳимояланиш шартли рефлекс, интакт ҳайвонларда пасив ва фаол қочиш шартли рефлекс шароитларида ва корин бўшлиғига скополамин юбориш натижасида амнезия ҳолатидаги ҳайвонларда ҳам олинди (1-расм).



1-расм. Скополамин келтириб чиқарган амнезия оқибатида бузилган пасив қочиш шартли рефлексига ўрганилаётган моддаларни таъсири

1-расмдан кўришиб турибдики, N-(3,4-диметоксибензил)цитизин гидрохлорид 1,0 мг/кг дозада бир марта, N-(3-окси-4-метокси-6-бромбензил)цитизин гидрохлорид 10,0 мг/кг, N-бензилцитизин гидрохлорид 1,0 мг/кг, бромгидрат N-метилцитизин 1,0 мг/кг дозада скополамин билан чақирилган амнезияни олдини олган.

Назорат гуруҳига скополамин юборилганидан кейин 100% ҳайвонларда пайдо бўлган шартли рефлекс йўқолган ва вазият қайта тикланган вақтда, сичқонлар кўп вақтларини камеранинг қора томонида, электрооғриқли кўзғотишга учратилган жойда ўтказган.

N-(3,4-диметоксибензил) цитизин гидрохлорид қабул қилган 40% ҳайвонлар, N-(3-окси-4-метокси-6-бромбензил) цитизин гидрохлорид қабул қилган 50% ҳайвонлар, N-бензилцитизин гидрохлорид олган 80% ҳайвонлар ва бромгидрат N-метилцитизин олган 70% ҳайвонлар, пирацетам олган 60% ҳайвонлар камеранинг ёруғ қисмида қолган.

Фаол қочиш шартли рефлекс моделида сичқонларда ўтказилган тажрибалардан аниқландики, синовдаги ҳайвонларда шартли рефлекс пайдо бўлганидан 24 соат ўтиб, фаол қочиш рефлекси 100% ҳайвонларда сақланиб қолган. 2 суткадан кейин назорат гуруҳидаги ҳайвонларда шартли сигнал (кўнғироқ) таъсирига 10 тадан 3 тасида хотира ёмонлашгани кузатилди.

N-(3,4-метилендиоксибензил) цитизин гидрохлорид (0,1-0,5 мг/кг), N-(2-бром-3-окси-4-метокси-бензил) цитизин гидрохлорид (0,1-0,5 мг/кг), N-(3,4-диметокси-6-бромбензил) цитизин гидрохлорид (5,0-10,0 мг/кг) ва N-бензилцитизин гидрохлорид 0,1-0,5 мг/кг дозада юборилганда 100% синовдаги ҳайвонларда фаол қочиш шартли рефлекси сақланиб қолгани кузатилди.

3 суткадан кейин назоратдаги ҳайвонларнинг 60%ида шартли рефлекс йўқолгани кузатилган. N-бензилцитизин гидрохлоридида 0,1-0,5 мг/кг дозада юборилганда товуш сигналига шартли рефлекс 100% сичқонларда сақланиб қолгани кузатилди. Шу билан бирга, юқорида кўрсатилган дозаларда юборилган N-(3,4-метилендиоксибензил) цитизин гидрохлорид, N-(2-бром-3-окси-4-метоксибензил) цитизин гидрохлорид ва N-(3,4-диметокси-6-бромбензил) цитизин гидрохлорид таъсирида 20% ва 30% ҳайвонларда хотира бузилгани кузатилган. 4 суткага келиб назорат гуруҳидаги ҳайвонларнинг 100%ида товуш сигналига фаол қочиш шартли рефлекси йўқолгани кузатилган.

0,1 мг/кг дозада юборилган N-бензилцитизин таъсирида товуш сигналидан қочиш шартли рефлексини йўқолиши 20% синовдаги ҳайвонларда кузатилган, 0,5 мг/кг дозада юбориш натижасида хотирани ёмонлашиши 10 тадан 1 тасида кузатилган.

Тажрибаларнинг худди шундай шароитларида N-(3,4-метилендиоксибензил) цитизин гидрохлоридни 0,1-0,5 мг/кг дозада шартли рефлексни бузилиши 70% ва 60% ҳайвонларда кузатилган.

0,1 мг/кг ва 0,5 мг/кг дозада N-(2-бром-3-окси-4-метокси-бензил) цитизин гидрохлорид юборилганда товуш сигналига қарши реакция 50%

хайвонларда йўқолган. 5,0 -10,0 мг/кг дозада юборилган N-(3,4-диметокси-6-бромбензил)цитизин гидрохлорид таъсирида 100% хайвонларда 4 суткага келиб товуш сигналига фаол қочиш шартли рефлекси йўқолгани кузатилган. 5 суткага келиб товуш сигналига фаол қочиш шартли рефлекс N-бензилцитизин гидрохлорид (0,1-0,5мг/кг) юборилган 40% ва 50% синовдаги сичқонларда кузатилган.

Асосий фармакологик таъсирдан ташқари, кўпгина ноотроп препаратларга антигипоксик фаоллик ҳам хосдир.

Шунинг учун нормобарик гипоксия билан гиперкапния моделларида, натрий нитрит таъсирида келиб чиққан гемик гипоксия, нитропруссид таъсирида келиб чиққан цитотоксик гипоксия моделларида антигипоксик фаоллик ўрганилди.

Тадқиқот натижаларига кўра, барча ўрганилган моддалар киритилган дозага қараб турли даражада антигипоксик таъсир намоён қилган.

Ўрганилган моддалар ичида нормобарик гипоксия билан гиперкапния моделида антигипоксик таъсирни 0,5 мг/кг дозада тери остига юборилган N-(2-оксибензил) цитизин гидрохлорид намоён қилган, назорат гуруҳидаги хайвонларга нисбатан резерв вақтни 33,7%га оширган. Бироқ гемик ва цитотоксик гипоксия моделларида унинг антигипоксик фаоллиги катта эмас. Тажрибаларнинг шунга ўхшаш шароитларида нормобарик гипоксия билан гиперкапния моделларида N-(2-бром-3-окси-4-метоксибензил) цитизин гидрохлорид 0,1 мг/кг дозада резерв вақтини 30,2%га, 0,5 мг/кг дозада 26,6%га оширган. Доза 5 мг/кггача оширилган вақтда антигипоксик фаоллик пасайгани кузатилган. 5,0 мг/кг дозада берилган препарат гемик ва айниқса цитотоксик гипоксия моделида 0,5-1,0 -5,0 мг/кг дозада юборилганда яшаш даврини 46,6%-50,4%-54,2%га узайтиргани кузатилди. Антигипоксик фаолликни нормобарик гипоксия билан гиперкапния моделида N-(3,4-метилендиоксибензил) цитизин гидрохлорид антигипоксик фаолликни намоён қилган, сичқонларни яшаш даврини 0,1-1,0 мг/кг дозаларда юборилганда 35,1% ва 34,2%га оширган. Цитотоксик гипоксия моделида 1,0 мг/кг дозада юборилган бирикма энг катта антигипоксик таъсирни намоён қилган, резерв вақтини назоратдаги хайвонлар гуруҳига нисбатан 38,0%га оширган. Бироқ, гемик гипоксия шароитларида модда антигипоксик таъсир намоён қилмаган. Синалган ҳосилалар ичида N-бензилцитизин гидрохлорид гипоксиянинг барча моделларида антигипоксик таъсирни намоён қилган. Нормобарик гипоксия билан гиперкапнияда N-бензилцитизин гидрохлорид 0,5 мг/кг дозада синовдаги хайвонларнинг натрий нитрит ёрдамида келтириб чиқарилган гемик гипоксия моделида яшаш даврини 43,1%га оширган, 0,5-1,0 мг/кг дозада -46,7%га ва 57,6%га оширган. Препарат нитропруссид билан қақирилган цитотоксик гипоксия шароитида юқори фаолликни намоён қилган. Препарат 0,1-0,5-1,0-5,0 мг/кг дозада юборилганда назорат гуруҳидаги хайвонларда резерв вақтни 31,4%, 48,5%, 52,3% ва 60,9%га оширган ва фаолигига кўра таққослаш препарати пирацетамга нисбатан

устун бўлган. Антигипоксик таъсирни цитотоксик гипоксия моделларида N-метилцитизин ва бромгидрат N-метилцитизин ҳам намоён қилган (4-жадвал).

4-жадвал.

Гипоксиянинг турли моделларида цитизин ҳосилаларини антигипоксик фаоллиги (n=10)

№	Препарат	Доза мг/кг	Ўртача ҳаёт давомийлиги, мин.					
			Нормобарик гипоксия билан гиперкапния		Гемик гипоксия		Цитотоксик гипоксия	
			мин.	%	мин.	%	мин.	%
